

ХУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИЛИШИНинг САБАЛари ВА ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Таштемиров Анвар Алиқулович

ИИВ Академияси катта ўқитувчиси

Нормуродов Нуриддин Нурали ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясиз-ўқув курси, 317-гуруҳ курсанти

Аннотация: Мақолада, хуқуқбузарлик содир этилишининг сабаб ва шароитларини аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиши бўйича асосий вазифалар, уни амалга ошириши йўналишлари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, хуқуқбузарлик содир этилиши сабаб ва шароитларини аниқлаши ҳамда уларни бартараф этишини тақомилаштиришининг асосий йуналишлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: Хуқуқбузарлик, жиноят, вояга етмаган шахс, таълим, тарбия, қонунчилик, инсон шаъни ва қадри, одоб-ахлоқ нормалари.

Бугунги кунда давлатимизнинг ривожланиш жараёнида, демократик, хуқуқий давлатни барпо этиш даврида ҳар бир фуқароларимизнинг хуқуқ ва эркинликлари таъминлаш асосий қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ва қонуности меъёрий - хуқуқий хужжатлари билан ҳимоя қилинмоқда.

Турли соҳаларидаги каби ички ишлар органларининг профилактика хизматлари тизимини ислоҳ қилиш ҳам ўз навбатида профилактика инспекторларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жавобгарликни таъминлаш соҳасини янада тақомилаштиришни, мунтазам ўрганишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси асосида ваколатли давлат органларининг маъмурий-процессуал фаолиятни тартибга солинади. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегия” асосида олиб борилаётган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва хуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш[1] борасида олиб борилаётган ўзгаришлар натижасида янгидан янги ижтимоий муносабатлар вужудга келиши, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини ёки уни қайтадан янги таҳрирда қабул қилинишини тақозо этади.

Ушбу вазифаларни бажаришда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари алоҳида ўринга эга. Профилактика инспекторлари фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жамоат

тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш уларнининг содир этилиши сабаблари ва шарт- шароитларини аниқлаш бўйича катта ҳажмдаги ва кўп қирралি фаолиятни амалга оширувчи тизим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суд-хуқуқ тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийлик ва хуқуқий тартиботни таъминловчи ички ишлар органлари тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Профилактика инспекторининг хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш ҳақида сўз юритилганда, бевосита хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларнинг таҳлилини олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки, таҳлилсиз сабаб ва шароитларни аниқлаш, қолаверса хуқуқбузар шахсга индивидуал ташхис қўйиш имкони бўлмайди.

Бугунги кунда Ички ишлар вазирлигининг Хуқуқий статистика маркази хуқуқбузарликлар (жиноят ва маъмурий хуқуқбузарликлар) ва хуқуқбузар шахслар (жиноят ва маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахслар)га доир маълумотларни марказлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш тартиби мавжуд бўлиб, ушбу тизим имкониятидан аксарият ҳолларда қилишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган маълумот, яъни шахсни илгари хуқуқбузарлик содир этган-этмаганлигини аниқлаш мақсади йўлидагина фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикасига доир ҳисбботлар фақат юқори турувчи органларга ахброт бериш мақсадидагина амалга оширилиб келинмоқда. Ваҳоланки, хуқуқбузарликлар профилактикасини ушбу соҳадаги ишлар ва кўрсаткичлар таҳлилларига таянмасдан олиб боришнинг имконияти мавжуд эмас.

Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар таҳлилини қўйидаги ҳолатларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчиси, илмий тадқиқот муассасалар ёки тадқиқотчилар томонидан жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган масала ёки мавзу юзасидан тадқиқот олиб борилаётганда;

иккинчиси, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи амалиёт органлари хуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий (идоравий) дастурларни, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни режалаштириш, хуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятни баҳолаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисбботлар беришда;

учинчиси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларини ишлаб чиқаётганда;

тўртинчиси, Вазирлар Махкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқаётганда.

Демак, кўриниб турибдики, «хуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни, шунингдек профилактика инспекторларининг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси фаолиятини режалаштиришда ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик чора-тадбирларни кўриш орқали амалга оширилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг самарадорлиги албатта, ҳуқуқбузарликлар, уларнинг сабаб ва шарт-тароитлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг натижаларига боғлиқ ҳисобланади.

Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишда мазкур сабаб ва шароитларни бартараф этиш юзасидан киритиладиган тақдимномаларнинг ўрни ва роли катта. Бироқ афсуски, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси фақатгина амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (б-бўлим) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда (196, 313-моддалар) ўз ифодасини топган.

Бироқ, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари ҳуқуқбузарликка қарши курашувчи, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаб, бартараф этилишини таъминловчи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳам ўз фаолияти жараёнида аниқланган жиноятчиликка оид статистик ҳамда бошқа маълумотлар таҳлилига асосланиб, муайян вазирлик ёки қўмита ва унинг куйи тузилмалари даражасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишлари мумкинлигини тақозо этади.

Ҳуқуқбузарлик ишларини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар ҳуқуқбузарлик ишларини юритувчи мансабдор шахслар (амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 3-бобида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳамда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекsnинг 245-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар) томонидан белгиланган процессуал тартибга кўра ўз иш юритувидаги ҳуқуқбузарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят) иши бўйича киритилади.

Мавжуд тартиб тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан «тақдимнома

талаблари билан танишиб чиқиши ва тегишли чоралар қўллаш ҳамда бу ҳақда тақдимнома юборган орган ёки мансабдор шахсга бир ой муддат ичидаги ёзма равища жавоб юбориши шарт»лигига оид талабни қўяди. Ушбу талаб бажарилмаган ҳолларда қонунда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.

Бироқ мазкур жавобгарлик назарда тутилган амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддаси таҳлил қилинганида, қонун нормасининг таъсир кучи чегараланганилиги кўзга ташланади. Негаки, ушбу норманинг номланиши ва диспозицияси «Хукуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик» мазмунида шакллантирилган. Бу эса хукуқбузарлик ишлари бўйича унинг сабаб ва шароитларини ўрганиб, бартараф этишга йўналтирилган прокуратура ёки миллий хавфиззик хизмати терговчилари, прокурорлар, судлар (маъмурий ёки жиноят ишлари бўйича), вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар кабиларнинг ёзма тақдимномаси талаблари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортишни истесно этади. Ваҳоланки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят-процессуал кодекс талаблари асосида нафақат милиция (ички ишлар органлари), балки бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам хукуқбузарликлар (маъмурий хукуқбузарлик ёки жиноят)га оид ишлар юритувини амалга ошириш ваколатига, шунингдек ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс сифатида хукуқбузарлик сабаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли жойларга тақдимномалар киритиш лозимлиги бўйича мажбуриятларга эгадир. Натижада, ёзма тақдимнома киритиш ваколатини беришда сунъий равища шакллантирилган ушбу чегара доирасини қонун асосида кенгайтириш талаби келиб чиқади.

Қолаверса, амалдаги қонунчиликка асосан хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан нафақат тақдимнома, балки суд томонидан хусусий ажрим ҳам чиқарилиши мумкин. Демак, юқорида назарда тутилган чегара фақат хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ёзма тақдимномани киритиш ваколатига эга субъектлар доираси билан эмас, балки тузиладиган процессуал хужжатнинг процессуал шакли билан ҳам бевосита боғлиқ эканлиги намоён бўлади. Натижада, судларнинг хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритадиган хусусий ажримларини бажариш чораларини кўрмаганлик учун ҳам жавобгарликни айнан ушбу нормада назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Бу таклиф этилаётган амалиётни Украина, Беларусия ва Туркманистон давлатларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигига ҳам кузатиш мумкин.

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг «Асосий тушунча»ларга бағишланган З-моддасида «хуқуқбузарлик» тушунчасига «содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)» деб таъриф берилган бўлиб, ушбу таъриф мазмунидан келиб чиқилса, ҳам маъмурий хуқуқбузарликлар ва ҳам жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ёзма тақдимнома ва хусусий ажримлар киритилиши мумкин. Бироқ хуқуқбузарликларнинг бу иккала тури бир-биридан ижтимоий хавфлилиги билан фарқланади.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

196-моддасида юқорида назарда тутилган тоифалаштириш ўз ифодасини топмаганлиги учун айни пайтда маъмурий хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ёзма тақдимнома (хусусий ажрим)лар киритилишига доир амалиёт мавжуд эмас.

Шу боис, маъмурий хуқуқбузарлик ёки жиноятнинг содир этилишига туртки берган сабаб ва имконият яратган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимнома талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни маъмурий хуқуқбузарлик ёки жиноятнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқсан ҳолда тоифалаштириш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасини 2-қисмдан иборат тузилишда шакллантириши тақлиф этилади. Норманинг икки қисмдан иборат шаклда ривожлантирилишини Украина давлатининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигига ҳам кузатиш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, амалиётда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг келиб чиқишини аксарият ҳолларда тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки хусусий ажрим келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги ёзма равищда жавоб хати юборилиши билан боғлаб тушунилаётганлиги кузатилади. Баъзида тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг амалда хуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан айтарли хеч қандай профилактик чора-тадбирни амалга оширмасдан, тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга жавоб хати юбориш билан кифоялананаётганлигини ҳам кўриш мумкин. Натижада, тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини бажариш масаласига юзаки ёндашиш келиб чиқмоқда.

Шу боисдан, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этишга нисбатан бундай ёндашувнинг олдини олиш ҳамда корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида уларнинг бу каби хатти-ҳаракатларини хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритилган ёзма

тақдимнома (хусусий ажрим) талабларини лозим даражада бажармаслик деб баҳолаш ҳамда ушбу қилмишга нисбатан ҳам жавобгарликни назарда тутиш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, тақдимнома киритиш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан ваколатли орган (мансадбор шахс)нинг масъулиятини оширишга ҳам хизмат қиласди.

Мазкур таклиф маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва қонунни қўллаш амалиётида юзага келадиган айрим муаммоларнинг ечимини топишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари, биринчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасини «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талбларига мослаштириш, иккинчидан, қонун ҳужжатлари ва ички ишлар органлари тизимида секин-асталик билан сиқиб чиқарилаётган «милиция» сўзидан воз кечиш, учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш механизмининг тўлиқ ишланини таъминлаш имкониятига эгалиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мазкур илгари сурилаётган таклиф, биринчидан, мутасадди мансабдор шахс (орган) томонидан киритиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимноманинг намунавий шаклини яратиш, иккинчидан, амалиёт органларида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритишга доир амалиётни шакллантириш; учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, хисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишга доир фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий механизмни жорий этиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 й. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги ПФ 60-сонли фармонининг “2022 — 2026 йилларда “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси””.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон фармони // <https://lex.uz/docs/4740345>.
4. Мирсалихова, Г. А. (2023). Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш

йўналишлари. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(22), 116-123.

5. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.

6. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг хуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

8. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг хуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

9. Таштемиров А. А., Калаув С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

10. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

11. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

12. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг хукукий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

11. Таштемиров А. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛНИШ ДАВРЛАРИ //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.

13. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишининг ўзигахослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 141-146.17.

14. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини хуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмиймақола//Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo.7262974.18>.
15. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –№. 13. –С. 160-165.19. 16. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //So'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyası. –2023. –Т. 6. –№. 1. –С. 5-15